

Соғлом ҳолида тилдан қолган Закариё алайҳиссалом меҳробда ибодат, тасбеҳ ва Таврот тиловати билан машғул бўлганлар. Меҳробдан чиқиб, қавмларига: «Эртаю кеч Аллоҳга тасбеҳ айтинглар», деб ишора қилганлар. Ўша ишора қилишлари ушбу оятда «ваҳий қилди» деган ибора билан ифодаланган.

4. Шайтоннинг васвасаси ва ёмонликни чиройли кўрсатиши.

Қуръони Карим шайтоннинг васвасаларини ва инсонларга ёмонликни чиройли кўрсатишини ҳам «ваҳий» сўзи билан ифода қилган.

Аллоҳ таоло Анъом сурасида шундай деб марҳамат қилади:

﴿يَقْرُؤُونَ وَمَا فَذَرَهُمْ حَسْرَةً مَا رَبُّكَ شَاءَ وَلَوْ غَرُّوا الْقَوْلَ لَزُخْرَفَ بَعْضَ الْإِنِّ بَعْضُهُمْ يُوحَىٰ وَالْحِينَ الْإِنِّ شَيْطَانٍ عَدُوٍّ إِنِّي لَكُلِّ جَعَلْنَا وَكَذَلِكَ

«Ана шундай қилиб, ҳар бир набийга инсу жин шайтонларни душман қилиб қўйдик. Баъзилари баъзиларига алдаш учун жимжимадор гапларни «ваҳий» қилурлар» (112-оят).

Ушбу оятда шайтонларнинг васваса қилишлари «жимжимадор гапларни «ваҳий» қилиш» деб айтилмоқда.

Яна Анъом сурасининг 121-оятида Аллоҳ таоло бундай дейди:

﴿لَمُشْرِكُونَ إِنَّكُمْ أَطَعْتُمُوهُمْ وَإِن لَّيَجِدَنَّ لَكُمْ أَوْلِيَاءَ بِهِمْ إِلَىٰ لِيُؤْحُونَ الشَّيْطَانِ وَإِن لَّفَسَقُوا وَإِنَّهُ عَلَيْهِ اللَّهُ اسْمُهُ يَذَّكَّرُ لِمَا تَأْكُلُوا وَلَا

«Албатта, шайтонлар ўз дўстларига сизлар билан тортишишни васваса қилурлар».

Шайтонларнинг васвасалари тезкорлик ва махфийлик билан бажарилгани учун ҳам ушбу оятда бу ишга «ваҳий» сўзи ишлатилган. Биз уни «васваса» деб таржима қилдик.

5. Аллоҳ таолонинг фаришталарга буйруғи.

Аллоҳ таоло Анфол сурасида марҳамат қилади:

بَنَانٍ كَلَّ مِنْهُمْ وَأَصْرِبُوا الْأَعْنَاقَ فَوْقَ فَأَصْرِبُوا الرُّعْبَ كَفَرُوا الَّذِينَ قُلُوبٍ فِي سَأْتِي ءَامَنُوا الَّذِينَ فَتِنَاكُمْ أَنِّي الْمَلَكُ إِلَى رَبِّكَ يُوحَىٰ إِذْ



«Ўшанда Роббингиз фаришталарга: «Мен, албатта, сиз биланман, бас, сиз иймон келтирганларни собит қилинг, тезда куфр келтирганларнинг қалбларига қўрқинч соламан. Бас, бўйинлар устидан зарба беринглар ва ҳамма бармоқларига зарба беринглар», деб ваҳий қилган эди» (12-оят).

Аллоҳ таоло фаришталарга ушбу оятда келган амрларини тез ва махфий хабар орқали Ўзи билдирган эди. Шу боис бу амр «ваҳий» деб айтилган.

Ваҳийнинг истилоҳий маъноси.

Уламолар ваҳийни қуйидагича таърифлайдилар:

«Ваҳий – Аллоҳ таолонинг бандалари ичидан Ўзи танлаб олган шахсга Ўзи ирода қилган ҳидоятни тез ва махфий равишда билдиришидир».

Бошқача қилиб айтганда, Аллоҳ таолонинг Ўз анбиёларидан бирига диний кўрсатмаларини юбориши ваҳийдир. Бу юбориш тезлик билан, бошқалардан махфий равишда бўлгани боис, унга «ваҳий» сўзи танланган.

Аллоҳ таолонинг мазкур ваҳийни, яъни диний кўрсатмаларини набийларига тезлик билан ва бошқалардан махфий равишда юбориши ҳам бир неча услуб билан бўлган. Бу ҳақиқатни Аллоҳ таолонинг Ўзи Қуръони Каримда баён қилган.

Аллоҳ таоло Шууро сурасида бундай деб марҳамат қилади:

﴿الْمُؤْمِنِينَ أُولَٰئِكَ أَنَا خَطَبِينَا رَبُّنَا لِنَايَغْفِرَ أَنْ نَطْمَعُ إِنَّا

«Аллоҳнинг башар билан гаплашмоғи бўлмаган, фақат ваҳий билан, ёки парда ортидан, ёхуд элчи юборади ва ул У Зотнинг изни ила

хоҳлаган нарсасини ваҳий қилур. Албатта, У Олийдир, ўта ҳикматлидир» (51-оят).

Инсон зоти учун Аллоҳ таоло билан юзма-юз гаплашиш муяссар бўлмаган. Чунки ожиз инсон бу мақомга чидай олмайди. Аллоҳ таоло инсон билан ушбу уч услубнинг бири билангина сўзлашади:

1. «...ваҳий орқали...»

Ваҳий, аввал таъкидлаб ўтиганидек, Аллоҳ томонидан бандага бирор хабарнинг махфий ва тез етказилишидир. Аллоҳ таоло пайғамбар алайҳиссаломнинг қалбига бирор хабарни етказди, пайғамбар эса унинг Аллоҳ таолодан эканини дарҳол билади.

2. «...ёки парда ортидан...»

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга Ўзи кўринмай туриб гапиргани каби.

3. «...ёхуд элчи юборади ва ул У Зотнинг изни ила хоҳлаган нарсасини ваҳий қилур».

Бунда Аллоҳ таоло Ўзи билан пайғамбари орасида воситачи – элчи қилиб, фариштани юборади. Фаришта келиб, Аллоҳ таоло хоҳлаган нарсани пайғамбарга етказди.

Хулоса қилиб айтганда, Аллоҳ билан инсон орасидаги суҳбат бевосита ёки билвосита бўлади. Бевосита бўлганида, Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарининг қалбига Ўзи ирода қилган маънони ваҳий қилади. Бу ё уйқудаги солиҳ туш, ё уйғоқликда пайғамбарнинг қалбига тушган илҳом, ёки оятда айтилганидек, «парда ортидан» хитоб бўлади, яъни пайғамбар каломни эшитади, аммо калом эгасини кўрмайди. Пайғамбарларнинг тушлари ҳам ваҳий бўлади. Билвосита бўлганида, Аллоҳ таоло билан пайғамбари ўртасида фаришта воситачилик қилади. Воситанинг бир тарафида Аллоҳ таоло турса, иккинчи тарафида инсонлар орасидан танлаб олинган пайғамбар туради. Яъни ўша воситали гаплашиш ҳам ҳар кимга муяссар бўлмайди.

Қуръони Карим фақат уйғоқликда, фаришта воситасида нозил бўлган.

«Қуръон илмлари» китобидан